



# ХИВА ТОНГИ

2022 йил - инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

Газета 1931 йил 7 ноябрдан  
чиқа бошлаган

2022 йил 10 май №7 (8643) – сешанба

E-mail: info@xivatongi.uz  
www.xivatongi.uz

## САНЪАТ ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

ФЕСТИВАЛЬ



Илгари хабар қилганимиздек, Хива шаҳрида 2022 йил 25-30 апрель кунлари “Лазги” халқаро рақс фестивали ўтказилди. Шу муносабат билан Президент унинг иштирокчиларига табрик йўллади.

суратлар, китоблар ҳамда уларнинг савдоси ташкил этилди.  
- Меҳмонларга бизнинг хунармандлик буюмларимиз ҳам манзур бўлди, -



дейди “Умрбоқий мерос” Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Марямбиб Аминова, - катта маҳорат ва нафис дид билан тайёрланган ашёлар кўрган кўзни қувнатди.

“Зебо” (Тожикистон) давлат ансамбли раҳбари Зебо Аминзода ҳайратини яширолмай шундай дейди:

- Асрларнинг тирик шохиди – боқий тарихий обидалар “Лазги”нинг юксак намоёнлиги билан янада гўзал манзара кашф этди.

Фестивалда дунёнинг 30 та давлатидан 192 нафар рақс

(Ўзбекистон) гран-при – 7 минг доллар пул мукофоти билан тақдирланди. “Энг яхши рақс жамоаси” бўйича 1-ўрин А.Навойи номи Ўзбекистон давлат академик театрининг “Тумор” рақс ансамблига, “Энг яхши яккахон рақс ижрочиси” - 1-ўрин ўзбекистонлик Шерзод Кенжабоев ва қозғистонлик



санъати таникли намоёндалари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.  
Халқаро рақс фестивалининг ғолиблари аниқланди. Раққоса Дилноза Ортикова

Гулнур Кассимбекга, “Энг яхши сахналаштирилган рақс” - 1-ўрин Болгариянинг “Пирин” жамоасига насиб этди.  
ЎЗА ВА ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ.

Фестиваль доирасида “Фарвон” меҳмонхонасида ўтказилган илмий-амалий конференцияда мамлакатимиз ва хорижий олим у тадқиқотчилар ўз маърузалари билан иштирок этдилар. “Лазги” ЮНЕСКОнинг инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхати (2019й)га киритилишидаги хизматлари учун Ўзбекистон халқ

артисти Гавхар Матёкубовага “Ўзбекистон хореография академиясининг фахрий профессори” унвони берилди.

Ичюн-қалтада бу рақс санъатига бағишланган кўрғазма, миллий чолғу асбоблари ва либослари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошлик намуналари, бадиий ва хужжатли фильмлар, фото-

### Ўзбекистон бўйлаб сەвҳат қил!



### ДИЙДОРГА ЕТКАЗГАН ЗИЁРАТ

...Яқинда, чинозлик Тўрабой хожи ота Хивага зиёратга келиб, янги ўзгаришларни кўриб, истиклол берган имкониятлардан дилида мамнулик хиссини туйди. Бир зум хаёб оғушига чўмган Тўрабой ака ёшлик чоғларини эслаб қолди. Шу онда унинг ёдига 1973-1975 йилларда Венгрияда бирга харбий хизматни ўтаган кадрдон дўсти Омонгалди қўлига тушиб, уни топишга ошдикди.

“Қарвон сарой”даги сотувчи кизлардан сўраб, суриштирди. Афеуски улар манзида кўрсатилган эски Калинин кўчасининг ўзи йўқлигини айтиб, Омонгалдини танимасликларини билдиришди.

ларидек, ҳокимият маъсул ходими Ш.Абдуллаева меҳмонга дўстини топишда ёрдам берди. Омонгалди шаҳардаги “Тулирайхон” маҳалласида яшар экан. Дийдор онлари... уни тасвирлаш қийин. Бир-бирини соғинган кадрдон дўстлар ордан 50 йил ўтиб, яна учрашишди. Тўқин дастурхон атрофида олис хотиралари, харбий хизмат давларини бирга эслашди. Бу қутилмаган учрашув Омонгалди аканинг фарзандлар, неваралари хавасини келтирди, зиёрат баҳона дўстининг дийдорига етишганидан қувонишди.

Оламда минг симу зардан, бир дўсти дилдор яхшидур, Уфатсиз юз йил умрдан бир лаҳза дийдор яхшидур. деганларидек, Хива зиёрати яна қанча инсонларни мурод-мақсадига етказиши шубҳасиз.  
Дилмурод МАШАРИПОВ,  
“Хива тонги” мухбири.

### Президент қарорлари - ҳаётда ва назоратда!

## ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

“Хиватумангаз” таъминоти бўлимига жорий йил 1-чоракида жисмоний ва юридик шахслардан Президентнинг Ишонч телефони ва Халқ қабулхонаси оркали жами 56 та мурожаат келиб тушди. Ушбу мурожаатларнинг кўриб чиқилиши тўлиқ назоратга олинди. 47 таси қаноатлантирилди, 9 таси бўйича уларга ҳуқуқий маълумот берилди.

Арвик маҳалласи Янгибозор кўчаси 54-уйда яшовчи Матякубов Хикмат, Муҳаммад Юсуф кўчаси 16-уйда яшовчи Матёкубов Равшанбек, Янгибозор кўчаси 30-уйда яшовчи Қурбанов Режабойнинг суюлтирилган газ

баллонини тўлдириб бериш тўғрисидаги мурожаатлари ҳодимлар томонидан урганилиб, ижобий ҳал қилинди.

Истеъмолчиларга қулайликлар яратиш ҳар бир ҳизмат кўрсатувчи соҳанинг ўз олдига қўйган мақсадларидан биридир. Газ таъминотида ҳам истеъмолчига табиий ва суюлтирилган газ етказиб бериш учун янги автоматлаштирилган тизимлар жорий этилди.

Ш.ЗАРГАРОВА,  
“Хиватумангаз” таъминоти бўлими назорат ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси.

## ОЧИҚ-ОШКОРА ФИКР БИЛДИРИШ АНҚОНИНГ УРУҒИ ЭМАС

Кетма-кет икки марта ўтказилган шаҳар Кенгаши сессиялари масалалари муҳокамаси чоғида таъқидий-тахлилий руҳ ҳукми сурганлиги сезилди. Ҳисоб бўйича 69-сессияда депутатлар иккита масалани кун тартибидан тушириб қолдиришди. Нега? Кенгаши қотиби О.Раҳимов буни шундай изоҳлади:

- У ёки бу масала бўйича қарор қабул қилаётганда албатта, ҳуқуқий асоси бўлиши керак. Шунинг учун шойишмасдан навбатдаги мажлисларимизда буларга қайтамиз.

Тўғри ёндашув. Депутатлар Н.Каримбоева, М.Яқубов, А.Бобоқонов, Р.Абжонова фикр айтишса-да, аслида бошқа депутатлар ҳам фаол бўлиши, ўз фикрини билдириши лозим эди. Етмишинчи сессияга етиб келдик. Олтига қўрилиши лозим бўлган масалага яна иккита қўшилди. “Аёллар дафтари”нинг 3-босқичи муаммолари, “Ёшлар дафтари”га киритиш, даромад манбаи яратилиш оилаларнинг “Темир дафтар”дан чиқариш,

қўшимча Рамазон ҳайити муносабати билан иккимой ҳимояга муҳтож оилаларга бир марта-

лик моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда 5 ташаббус бўйича мактабларга техник воситалар ажратиш тўғрисидаги қарорлар ижрога ўтказилди. Шунингдек, маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағлари ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисидаги қарор ҳам қизгин баҳс-мунозаралардан сўнг қабул қилинди.  
... Сессиядан сўнг халқ қабулхонаси мудир Р.Аллабергановдан бу гал нима сабабдан

мунозараларга аралашмаганлигини боисини сўрадик.

- Орттирилган бюджет маблағларидан нега сизнинг соҳага маблағ ажратилмапти? – деди у саволимизга савол бериб. - Бу ҳақда ҳеч мурожаат қилганимиз?

- Ҳа! Хатто депутатлар қўл ҳам кўтаришган, дедим мудирнинг сезгирлигиндан қувониб, - менимча, бу кейинги сессияларда кўриб чиқилса керак...  
- Ҳисоб-китобини қилаверинг. Ўзим шу масалага ёрдамлашаман. Ахир “Хива тонги” ҳаммамизнинг юзу кўзимиз-ку!

Биз халқ қабулхонаси мудир Р.Аллабергановнинг сўзларидан очиқ-ошқора фикр билдириш анқонинг уруғи эмаслигини ишондик. Демак, ҳокимият ўз муассислигидаги нашрга албатта, эътибор қаратади.  
Ш.МАШАРИПОВ.



Хавфсиз туризм

МАҚСАДГА ҚАРАТИЛГАН УЧРАШУВЛАР

Бугунги кунда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг намунавий механизми сифатида эътироф қилинаётган "махаллабай" иш услубида ҳудудий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари билан ҳамкорликда ишни йўлга қўйган вилоят ИИБ Хавфсиз туризми таъминлаш бошқармаси ходимлари жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш йўналишида самарали натижаларга эришмоқдалар. Жорий йил ўтган ойлари мобайнида бошқарма ходимлари томонидан маҳаллаларда жами 1 106 мартаба турли йўналишда профилактик тадбирлар ўтказилди.

Туристларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолининг маданияти ва меҳмондўстлик фазилатларини юксалтириш мақсадида жойларда жами 87 мартаба учрашувлар ўтказилиб, уларда жами 963 нафар иштирокчи ва фуқаролар қатнашди. Бундай тартибот учрашувларининг натижаси ўлароқ вилоятга келаётган сайёҳларга нисбатан жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этилмади. Бошқарма ходимлари шунингдек, умумий ва олий таълим муассасалари талаба-ўқувчилари билан ҳам худди шу каби учрашувларни мунтазам ўтказмоқдалар.

Ж.РЎЗМЕТОВ,

вилоят ИИБ Хавфсиз туризми таъминлаш бошқармаси ходими, катта лейтенант.

БУ ИНФЕКЦИЯ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Ротавирус инфекцияси – вируслар қақирадиган диарея касаллиги бўлиб, ошқозон-ичак йўлига зарар етказиши, оқибатда ошқозон фаолияти кескин бузилади. Ротавирус инфекцияси билан 3-5 ёшгача бўлган болалар касалланади. Унинг 3 та асосий симптомлари бор: ҳароратнинг кўтарилиши; қусиш; сувсимон диарея.

Ротавируслар болага маъний жиҳозлар, уй-рўзғор буюмлари, тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари орқали санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмаганда юқади. Бу инфекциясига қарши 2 ойликда 1-доза ва 3 ойликда 2-доза билан эмланади. Ротавирус вакциналари хавфсиз ҳисобланади,

эмлашдан сўнг ноҳўя реакциялар рўйхатга олинмаган. Ҳурматли ота-оналар! Касалликни олдини олиш мақсадида болаларингизни эмлатинг.

Б.САИДОВ,  
Хива туман СЭО ва ЖСХБ бошлиғи.

Ш.ХАЛИМОВА,  
Эпидемиология ва иммунопрофилактика бўлими мудир.

Саломатлик

Овқатдан заҳарланиш – одатда хазм қилиш бузилиши билан кечадиган ўткир касаллик. Бунинг сабаби кўпинча организмга озиқ-овқат билан биргаликда турли микроорганизмларни кириши бўлади. Заҳарланиш кўпинча яроқлилик мuddати тугаган, сифатсиз, нотўғри шароитларда сақланган ёки санитария меъёрлари бузилган маҳсулотларни истеъмол қилиш келтириб чиқаради.

Заҳарланишнинг дастлабки белгилари: ич кетиши, кучли кўнгил айниши, кўп марта қайд қилиш, бош оғриши ва айланиши тана ҳарорати кўтарилиши, ошқозон соҳасида оғирлик ва бошқа аломатлар билан кузатилади. Ўдда тутинг! Кўпинча заҳарланишни сут ва сут маҳсулотлари, кремли торт ва пишириқлар, юмшоқ пишлоқ,

қайнатилган колбаса, паштетлар, тухум, уйда тайёрланган майонез ёки сметанали салатлар, памидор ва унинг шарбати келтириб чиқаради.

Заҳарланиш олдини олишнинг энг яхши усули овқатланиш гигиенаси қоидаларига, овқатни тўғри сақлаш ва элементар оғоҳликка риоя қилишдир. Овқатнинг ранги ва хидига эътибор беринг. Моғор билан қопланган, бузилган мева-сабзавотларни, шишган консерва банкалари, мuddати ўтган сут ва сут маҳсулотларини истеъмол қилманг. Сотиб олаётганда маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ва яроқлилик мuddати, ўрамнинг яхлитлигини текшириш керак.


Б.ЖАББОРОВ,

Хива шаҳар СЭО ва ЖСХ бўлими санитария врач.

ЗАҲАРЛАНИШДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРИХИДАН

Ҳаётимизда "статистика – тарихни яратди" деган гапни кўп эшитганмиз. Агар чуқурроқ ўйлаб қаралса биз билмаган ва кўрмаган замонлар ҳақидаги тасавурларимиз кўпинча ўша даврга юз берган воқеа-ҳодисаларнинг рақамлардаги ифодаси асосида шаклланади. Гап аҳолини рўйхатга олиш ҳақида борар экан, ушбу тадбирнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, улар орқали нафақат ўзимиз, балки келажак авлод учун муҳим маълумотларни тўплашга эришамиз.



Биласизми?

Ўтказилган рўйхатга олиш чинакам биринчи илмий рўйхатга олиш де-я эътироф этилади. Унинг ўзига хослиги шундаки, рўйхатга олиш мuddати бир кунлик бўлиб, ҳақиқатда мавжуд аҳоли ҳисобга олинган.

Бу тажрибадан кейин, Европанинг кўплаб давлатлари фойдаланган. 1870-1879

йилларда дунё бўйича атиги 48 та давлатда аҳолини рўйхатга олиш ўтказилган бўлса, XX аср охирига келиб, деярли барча давлатлар ўз аҳолисини рўйхатга олишга киришган.

Бугунги кунда БМТ жамият ҳаётида салмоқли ўзгаришлар рўй беришини инобатга олиб, дунё мамлакатларини ҳар 10 йилда камида бир мартаба ўз аҳолисини рўйхатга олишга даъват этади.

М.ПРАЗЗАҚОВ,

Хива шаҳар статистика бўлими бошлиғи в.б.

Ш.ЭШЧАНОВ,

Хива туман статистика бўлими бош мутахассиси.

1846 йилда йирик статистик олим Адольф Кетл бошчилигида Бельгияда

ТИББИЙ ХУЛОСАГА МУВОФИҚ

Республикамизда аёлларни ижтимоий муҳофаза қилишга доир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳомилдорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи бунинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Меҳнат шароити ноқулай, шунингдек, тиббий хулосага мувофиқ ҳомилдор аёлларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат

кўрсатиш нормалари камайтирилади ёки улар аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади. Боласи икки ёшга тўлгунга қадар аввалги ишидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади.

А.АБДУШЕРИПОВ,

Хива тумани юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юристконсулти.

НИКОҲ ИБОДАТ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАН

Оллоҳ инсонни, у эркак ёки аёл бўлсин, нафсий рағбат билан яратган. Айни пайтда ушбу рағбатни ҳалол-пок йўл билан қондиришни буюриб, никоҳни жорий қилган. Албатта, ҳар қандай инсон балоғат ёшига етгач, ундаги яшрин нафсоний рағбат авж ола бошлайди. Оллоҳдан кўркиб, Пайғамбаримизнинг ( а л а й ҳ и с с а л о м ) кўрсатмаларига амал қиламан деган банда, агар моддий ва бошқа имкониятлари мавжуд бўлса, никоҳланиш орқали бунинг олдини олади.

Пайғамбаримиздан шундай ҳадис бор: «Ким уйланган бўлса, динининг ярмини мукаммал қилибди, қолган ярмида Оллоҳга тақво қилверсин». Ислому таълимотига кўра, оила Яратганининг розилигини топиш, Пайғамбаримиз ахлоқлари, ислоний одоб билан зийнатланиш ва пок йўл билан инсоният наслини давом эттириш мақсадида қурилади. Шунинг учун динимиз оила-

ни никоҳ асосида қуришга алоҳида аҳамият беради ва никоҳни инсоний алоқаларнинг энг муҳими сифатида юксак қадрлайди. Зеро, оила катта жамиятнинг кичик бир бўлаги ҳисобланади.

Демак, никоҳ асосида турмуш қуриш Оллоҳ таолонинг буйруғи, Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) суннатлари экан, мусулмон киши оила қуришни пайсалга солмай, уни шаръий никоҳ асосида амалга ошириши лозим.

Ш.ОТАЖОНОВ,

тумандаги шайх Мавлон бобо масжиди имом-хатиби.

15 май - Халқаро оила кун

Санъат - саодат!



"ОЗ УЧУ" ЁШ ҲАЛФАЛАР!

Тумандаги 17-сон ўрта мактабда мусиқа фани ўқитувчиси томонидан миллий кадрларимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ёш ҳалфалар" жамоаси тuzилган. Беш муҳим ташаббус доирасида воҳа машҳур халфаси сифатида элга танилган Ожиза ижодидан лапарлар машгулотларда ижро этилади.

Шунингдек, хаваскорлар бир қанча кўрик-танловлар ғолиби ва китоблар муаллифи, марҳума Рохатой Хўжаниёзованинг ҳам "Хивам", "Онам" ва бошқа кўшиқларини севиб ижро қилиб, турли кўрикларда фахрли ўринларни эгаллашмоқда. Яқинда

устоз хотирасига бағишлаб, ўтказилган очик дарс ва тадбирларда бадний жамоа қатнашчилари фаол қатнашдилар. Мактаб директори Нурниёз Худойберганов, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Бонупошша Жуманиязова ўқувчилар истеъдодини юзага чиқаришда яқиндан ёрдам бермоқдалар. Мутахассис Г.Болтаева марҳума халфа кўшиқларини нотага олиб, ёш талантларга ўргатмоқда.

О.РАҲИМОВ,

шу мактаб мусиқа маданияти фани ўқитувчиси.

Суратда: "Ёш ҳалфалар" бошқарувчи хаваскорлик жамоаси саҳнага чиқиш олдидан.

СИЗ ҚАЛБИМ НУРИСИЗ

Дунёда ҳаммадан чиройли,  
Суюқлигим, сизсиз меҳрибон.  
Рохатимиз кўриб ҳамиша,  
Омон бўлинг, азиз онажон.

Қувончимга шериксиз доим,  
Ҳар қадамда биз деб турасиз.  
"Жоним болам, жаҳоним" де-я,  
Бизни эркалатиб қўясиз.

Бошим узра мисли қўёшим,  
Ҳаётимнинг нақшу гулусиз.  
Ёнгинамда яқин сирдошим,  
Билсангиз сиз қалбим нурисиз.

Шодия МАТКАРИМОВА,  
Хива шаҳридаги 17-сон ИДУМ ўқувчиси.

Шеърлар